

# ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА КОРПОРАТИВ МИЖОЗЛАРГА РАҚАМЛИ БАНК МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

<https://zenodo.org/records/11521779>

**Юлдашев Ойбек Аброрович**  
Ҳамкорбанк АТБ Миробод МБХО  
Кооператив хизматлар бўлими бошлиғи,  
Тошкент Кимё халқаро университети  
тадқиқотчиси

*Аннотация.* Ушбу тезисда тадбиркорлик субъектларига рақамли банк маҳсулотларини жорий этишининг аҳамияти ва дунёда ривожлантириши ҳолати ўрганилган. Шунингдек, мамлакатимизда рақамли банк маҳсулотларини жорий қилиш билан боғлиқ муаммолар ва уларни ҳал қилиш усуллари кўрсатилган.

**Мавзунинг долзарблиғи.** Замонавий тижорат банклари мижозларга кўрсатадиган хизматларини рақамлаштирмоқда. Охирги пайтларда “рақамли банклар” молия бозорига фаол кириб келмоқда ва анъанавий банклар билан каттиқ рақобатлашмоқда. Буларга UniCredit (Италия), CaixaBank (Испания), Atom Bank (Буюк Британия), Halvi (Швеция) банкларини мисол келтириш мумкин. Рақамли банклар икки турда фаолият юритади: биринчиси, таъсис этган банк лицензиясига мувофиқ асосан банк чакана хизматларини кўрсатади; иккинчиси, янги лицензия асосида янги товар ва хизматлар билан бозорда алоҳида юридик шахс сифатида фаолият юритади. Ҳар икки ҳолатда ҳам хизматлар рақамли тизимнинг устувор имконият ва ютуқларидан унумли фойдаланган ҳолда кўрсатилади ҳамда олинган тажриба ва ютуқларга таяниб келажакда анъанавий банк тизимининг ўрнини тўлиқ эгаллаш мақсад қилинган.

Бундай шароитда мамлакатимиздаги анъанавий тижорат банклари молия бозорида рақобатбардош бўлиши учун мижозларга кўрсатадиган хизматларни рақамлаштиришлари лозим. Айниқса, улар корпоратив мижозларга рақамли банк маҳсулотларини фаол жорий этишлари лозим. Акс ҳолда ушбу хизматларни бошқа молия институтлари кўрсатишни бошлайди.

Шунинг, мижозларга кўрсатилаётган банк хизматлари ва маҳсулотлари турлари тобора кенгайиб бораёпти, уларга банклар томонидан ажратилаётган

кредитлар ҳажми ўсмоқда. Бугунги кунда мижозлар ўз ҳисобварақларини масофадан туриб, реал вақт режимида уяли ва электрон алоқа воситаларидан фойдаланган ҳолда бошқариш имконига эгалар. Гарчи бундай хизматлар жорий этилганига кўп вақт бўлмаган бўлса-да, лекин корпоратив мижозларга рақамли банк хизматлари кўрсатиш етарли эмас. Ваҳоланки, корпоратив мижозлар орасида рақамлаштирилган ҳолда масофадан туриб банк хизматлар кўрсатишга бўлган талаб ортиб бормоқда. Бундай ҳолатлар корпоратив мижозларга рақамли банк хизматларини фаол жорий этиш масаласи долзарблини кўрсатади.

**Мавзуга оид муаммолар.** Амалга оширилган тадқиқотлар натижасида ҳозирги кунда Ўзбекистон тижорат банкларида корпоратив мижозларга рақамли банк маҳсулотларини жорий қилиш борасида қуйидаги муаммолар мавжудлиги маълум бўлди:

- давлат тижорат банкларида рақамли банк маҳсулотлари ва хизматлари жорий этиш ҳолати талаб даражасида эмас;
- банклар кўрсатадиган рақамли банк маҳсулотлари ва хизматлари замонавий бозор талабларга етарли даражада мослашмаган;
- банк секторида корпоратив мижозларга рақамли банк хизматларини кўрсатиш жисмоний шахсларниқига нисбатан орқада қолмақда;
- банклардаги мавжуд дастурий таъминот тизимлари рақамли молия битимларини тузиш ва амалга тадбиқ этиш бўйича амалиёт ўтказишга мос эмас.

**Муаммони ҳал қилиш усуллари.** Банк хизматларини рақамлаштириш – бу банк билан мижоз ўртасидаги ўзаро алоқаларни рақамли ахборот-коммуникация технологиялари асосида ўрнатишдир. Банк мижозлари молиявий хизматлардан фойдалангани сайин улар хизмат кўрсатишнинг қулайлиги, сифати ва тезлигини таъминлаш, вақтни тежаш ва операция харажатларини қисқартириш, электрон ҳужжат айланиши қанчалик муҳимлигини тушуна бошлайдилар. Охириги йилларда ҳисоб юритиш ва бошқарув тизимлари интеграциялашмоқда, CRM (Customer Relationship

Management) мижозлар билан ўзаро муносабатларни бошқариш тизими такомиллаштирилмоқда. Айниқса, олдинлари чекка ҳудудларда банкка муурожаат қилиш ва хизматларидан фойдаланиш бир мунча қийин эди. Банклар томонидан рақамли молиявий хизматлар бўлимларини очиш орқали олис норентабел бўлган ва аҳолиси кам ҳудудлардаги жисмоний ва юридик шахсларни самарали қамраб олиш имконини бериш мумкин. Рақамли ўзгаришлар орқали банкларнинг бизнес моделларини мақбуллаштириш ёрдамида, банк ва тўлов сегменти – масофавий банк хизматларидан тортиб то молиявий операциялар соҳасидаги ўзгаришларгача ривожлантириш мумкин.

Тадбиркорлик соҳасини талаб даражасида рақамлаштирилган банк хизматлари билан таъминлаш мазкур соҳа ривожланишининг муҳим омили эканлигини инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида “Банкларнинг ҳудудлардаги иштироки базавий банк хизматлари тўпламини кўрсатувчи ва кўп сонли бошқарув ходимларини талаб қилмайдиган ихчам “банк хизматлари офислари” тармоғини барча ҳудудларда кенгайтирган ҳолда мавжуд филиаллар тармоғини мақбуллаштириш, шунингдек, “мобил банкинг” хизматларини кенг жорий қилиш”, “кичик ва ўрта бизнес субъектларига кўрсатилаётган хизматларнинг кўлами ва сифатини, шу жумладан тадбиркорлик субъектларига ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда хизмат кўрсатиш орқали ошириш” вазифалари алоҳида белгилаб қўйилган<sup>1</sup>.

**Илмий асосланган таклиф ва тавсиялар.** Ўзбекистон тижорат банкларида корпоратив мижозлар учун банк маҳсулотларини жорий қилиш учун қуйидагиларни таклиф қилиш мумкин:

1. Ўзбекистон тижорат банкларида бўш турган маблағларни иқтисодиётга кўпроқ жалб қилиш ва тадбиркорликни янада ривожлантириш

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2020 — 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислох қилиш стратегияси тўғрисида” 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли фармони. <https://lex.uz/docs/4811025>

учун рақобатбардош банк хизматларини яратиш ёки мавжуд банк маҳсулотларини рақамлаштиришни тезлаштириш лозим.

2. Мамлакатимиз тижорат банкларида корпоратив мижозларга рақамли банк хизматларини кўрсатишини тез жорий қилиш учун хорижий давлатлардаги рейтинги юқори бўлган банкларни мамлакатимиз банкларини хусусийлаштиришга жалб қилиш лозим.

2. Корпоратив бизнес субъектларининг эҳтиёжлари ўрганилган ҳолда уларнинг тўлов қобилиятларига мос келувчи рақамли банк маҳсулотлари яратиш лозим. Энг аввало, тадбиркорлар учун қулай ва зарур бўлган, банклар учун эса rischi паст бўлган рақамли хизматларни жорий этиш лозим.

4. Тижорат банкларида рақамли филиалларни ташкил этишнинг ривожланган хориж амалиётини жорий этиш учун қонуности меъёрий ҳужжатларни тез яратиш лозим.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2020 — 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида” 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли фармони. <https://lex.uz/docs/4811025>
2. Иқтисодиёт ва туризм халқаро журнали. №4(6), 2022. Хайитбаева Д. 75,766
3. “Иқтисодиётда инновациялар” журнали 5-жилд 6-сон 2022. Назаров И. 5-76